

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «13» 6

26279 - СОН

Яйлан ш.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома биринчи томон ва иккинчи томон Низом асосида иш юритувчи Улугбек Кизил Какир МЧЖ (кейинги ўрнинларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Д. Тожибоев Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Халқ таълими бўлими номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Н. Сидикова ўрталарида куйидаги максадларда тузишли:

1. Шартнома предмети:

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги курилиш монтаж ишлари бажарип беради:

17-мактаб хожатхона биносини мукаммал таъмирлаш.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати **164 249 151.12** сўмни ташкил килади.

1.3. Бажариладиган курилиш монтаж ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишили хужжатлар расмийлаштирилганги холда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага иловга килинади.

1.4. Курилиш монтаж ишларини бажарши муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддатда яъни 03.07.2022-йилгача мукаммал таъмирлаш ишлари якунланishi шарт

2. Хисоб-китоб шартлари:

2.1. Бажарилган мукаммал таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошка тегишили хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан кабул килиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган курилиш монтаж ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар преискурантлари асос бўлиб хисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириши ва тафтиши ишлар натижасида бажарилган мукаммал таъмирлаш ишларида като ва камчиликлар аникланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» хисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тўлиқ хисоб-китоби «Иш бажарувчи» курилиш монтаж ишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичida амалта оширади.

2.3. Курилиш монтаж ишларини бажарилиши жарёнида «Буюртмачи»га тегишили бўлган хом-ашёлар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган мукаммал таъмирлаш ишлари кийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар киймати чиқариб ташланниб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб килинади. -

3. Томонлар хукуки ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларida кўзда тутилган даражада ва хажмиларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган холатда бажарип тегишили хужжатларни тўтири расмийлаштиришни ўз зинмасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир кисми ёки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аникланниб «Буюртмачи» томонидан тегишили раввиша далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз кисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблаглари хисобидан кайтадан бажарип берилади. Унбу кўпшумча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган курилиш монтаж ишларини нуксон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошка тегиши хужжатлари билан «Иш бажарувчи»ни таъминлади.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган курилиш монтаж ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўтири келишини текшириб кабул килиб олгандан сўнг бажарилган мукаммал таъмирилаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатдан тўловни амалга ошириши шарт.

3.5 Агар хукукни химоя килувчи органлар томонидан текширишларда амалга оширилган мукаммал таъмирилаш ишлари бўйича «Буюртмачи» га «Иш бажарувчи» томонидан курилиши ишларини бажарилганилиги тўғрисидаги тақдим этилган хужжатлардаги нархларда ёки бажарилган иш хажмида камомад аникланган тақдирда ушбу камомад «Иш бажарувчи» томонидан тўлиқ қопланади.

4. Жарималар кўланинни:

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуксонларни бартараф этишдан бош торта, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган курилиш монтаж ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибида ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган курилиш монтаж ишларини умумий кийматини 0.5% микдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул килинган мукаммал таъмирилаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичизда асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечикирилган куни учун кабул килинган иш (хизмат) микдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % микдорида «Иш бажарувчи» га пеяна тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгилангандан мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5.Форс-мажор:

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошканини, ёнгин, зилзила, бошка табиий оғатлар ва хукуматнинг маҳсус карорларини бажариш билан боғлик ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати:

6.1. Шартнома иккакала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал килиши муддати 2022 йил 31 декабргача. Мальум сабабларга кўра бажарилган мукаммал таъмирилаш ишлари учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмагандан томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вакт белгиланади.

6.3 Шартнома кўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бесор килинниши мумкин:

а) Томонлар ўзаро ёзма келишувига асоссан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган курилиш монтаж ишларини сифатлизиги тўғрисида «Буюртмачи» омонидан белгиланган тартибида хужжат расмийлаштирилиб тегиши хуласа олингандা;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бўртмачи харажатлар сметасига ёки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибида ўзгартриш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) Нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг, бажарилган курилиш монтаж ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки купайиши)лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: 6, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкни. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум килади.

7. Кўшимча шартлар:

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иктисадий судлари орқали хал килинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувонома) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилishi учун таъгузлики хужжатларни хақонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардилар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўргасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегниши газнавилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгариришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳларни билан тасдиқланаб сўнг амалга оширилади.

Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

Улутбек Кизил какир МЧЖ

Манзил: Узбекистон тумани Кизил какир
кашлоги

ХР 2020800070477067001

ИНН 301137001

МФО 00792

Халқ банки Узбекистон тумани филиали

Рахбар

Д. Сиддикова



«Буюртмачи»

Халқ таълими бўлими

(буюртмачи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Яйлан шаҳри
Тел./факс

ш/х* 401722860302307092100075027

СТИР 200189130

ОКОНХ 97600

Молия вазирлиги Газнавилиги Ягона газна
хисоб вароги 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар:
Н.Сиддикова





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi.
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 13-iyun

Yaypan shahri

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi : Shartnoma.

2.Loyihaning nomi: Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi loyihasi.

3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi.

4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" MChJ o'rtaida jami qiymati 164.249.151,12 so'm bo'lgan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 17-sonli maktab hojatxona binosini mukammal ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirdorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdag'i shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan

shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdar shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilar uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 9-iyundagi 96915-sonli bayonnomasiga asosan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 17-sonli maktab hojatxona binosini mukammal ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi yuzasidan o'tkazilgan tanlovda "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" MChJ tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridaqilarga asosanlangan holda

XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" MChJ o'rtaida jami qiymati 164.249.151,12 so'm bo'lgan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 17-sonli maktab hojatxona binosini mukammal ta'mirlash to'g'risidagi shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

Markaz bosh yuriskonsul'ti



A.Turdialihev